# «ЎТЙ» АЖ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДА ЛОКОМОТИВ ДЕПОЛАРИ ВА БЕКАТЛАР ОРАЛИҚ ПУНКТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ғиёсхўжа Арибжанович Низамов**
катта тафтишчи
“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ

## АННОТАЦИЯ

Локомотив деполар ҳудуди унга бриктирилган бекатлар ҳудуди билан чегараланган. Бу чегара жойи локомотив назорат жойи (контрольный пункт) дейилади. Назорат жойи локомотивларни бекатлардан локомотив депосига кириш ва локомотивларни локомотив депосидан бекатга чиқиш учун зарур чегара ҳисобланади. Бу чегара локомотив депоси ва бекатни бириктирилган темир йўли орқали боглаб турувчи йўлнинг манёвр светофори ёки махсус белги ҳисобланади. Шу светофор ёки белги орқали локомотив бекат ёки локомотив депо чегарасига ўтиши мумкин.

**Калит сўзлар:** явка, локомотив депо, локомотив, назорат чегараси, ДСП, ТЧД.

# IMPROVING THE METHOD OF CONTROL OF LOCOMOTIVE DEPOTS AND INTERMEDIATE POINTS IN THE RAILWAY SYSTEM OF JSC "UZBEKISTAN RAILWAYS"

**Giyoskhoja Aribjanovich Nizamov**
Senior Inspector
JSC "Uzbekistan Railways"

## ABSTRACT

The area of locomotive depots is bordered by the area of stations attached to it. This border point is called the locomotive control point. The checkpoint is the necessary boundary for locomotives to enter the locomotive depot from the stations and for locomotives to leave the locomotive depot for the station. This boundary is a shunting stoplight or special sign of the road connecting the locomotive depot and the station with the attached railway. Through the same traffic light or sign, the locomotive can cross the border of the station or locomotive depot.

**Keywords:** locomotive depot, locomotive, control limit.

## КИРИШ

Локомотив депоси локомотивни эксплуатацияга бераётганда локомотив машинистини тайёрлигини ва локомотивни назорат постига чиқишга тайёрлигини айтганидан кейин, депо навбатчиси маршрутни тайёрлаб, бекат ва локомотив депо ўртасидаги манёвр светофори ёнига боришини айтади. Сўнг депо навбатчиси бекат навбатчисига локомотивни станцияга чиқишга тайёрлигини маълум қилади. Бу билан бир каторда депо навбатчиси бекат навбатчисига локомотив сериа рақамини, машинистга қўйилган вақтни (явка), машинист фамилияси ва табель рақамини, бригада қайси депога қарашлилигини телефон орқали маълум қилади. Локомотив назорат постида тўхтагач бекат навбатчисига радио алоқа воситаси орқали ўз локомотив сериа рақамини, машинистга қўйилган вақтни (явка), машинист фамилияси ва табель рақамини, бригада қайси депога қарашлилигини айтади. Сўнг бекат навбатчиси маълумотни қабул қилиб олгач манёвр светофорда рухсат бериш чироғи орқали бекатга локомотивни қабул қилиб олади. Локомотив депо ичидаги локомотивга алоқадор Ҳар қандай манёвр ишларини фақат бир инсон, депо навбатчиси (ТЧД)бошкаради. Баъзи бир локомотив деполарда бекатга локомотивларни кириш ва чиқиш учун назорат постлари иккита бўлади. Бу орқали локомотивларни айлантириб олиш имконияти ҳам бўлади. Ҳар сафар локомотив деподан локомотив чиқарилаётганда депо навбатчиси (ТЧД) бекат навбатчиси (ДСП)га қайси тарафдан қайси локомотив чиқармоқчи бўлаётганини билдириши зарур. Ҳар сафар локомотив депосидан локомотив чиқарилаётганда ёки бекатдан депога локомотив олиб кирилаётганда локомотив бригада назорат пости навбатчисида белгиланади. Назорат пости навбатчиси бригадани маршрут варроғини, шахсий гувохномасини «Локомотивлар назорат китобида» (1-жадвал) белгилайди ва бекат навбатчисига ёки депо навбатчисига локомотив тайёрлигини хабар беради.

«ЎТЙ» АЖ темир йўл локомотивлари депоси бўлиб, унда локомотивлар техник кўриги ёки локомотивларни таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Ҳозирги кунда темир йўл тизимида локомотивларга эътибор юқори даражада бўлиб, улар темир йўл тизимини юргазишни асосий ресурсларидан бири ҳисобланади. Лекин локомотивларга хизмат кўрсатиладиган жойлар бу локомотив деполари бўлиб, у ерларни ҳам замон талабига мослашлик, янгиликлар киритиш зарурлиги кўриниб қолмоқда.

Локомотивлар туриб қолиши, керагидан ортиқ ТО-2 кўригини ўтказиш, депо навбатчиси томонидан локомотивлар бекатга чиқиб кетаётгани ёки чиқиб

кетганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқ назорат қилиб туриш ҳозирги рақамлаштириш иктисодиётига ўтиш талабларидан бири бўлаяпти.

«ЎТЙ» АЖ темир йўл локомотивлари депоси ва бекатлар ўртасидаги назорат пункти. Унда юқорида такидлангандек, депо навбатчиси томонидан берилаётган маълумотлар ва бекат навбатчиси томонидан берилаётган маълумотлар ўзаро тўғри келмай қолаяпти. Шу локомотив депоси ва бекатлар орасидаги назорат пунктини назоратга олиш ва аниқ маълумотларга асосланиб иш қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ҳар бир локомотив депоси ва аниқ бир участка бекати орасида назорат пункти бўлиб, уни босиб ўтиш учун локомотив машинистларига маълум вақт берилади. Лекин шу вақт ичида локомотив депоси ва бекат навбатчи ўртасида баъзи ҳолларда, маълумотлар аниқ бўлмай қолади. Бу ҳолат тўғридан-тўғри поездлар диспетчерига ва тортиш диспетчерига етиб боради. Уларнинг поездлар Ҳаракат графиги жадвалидаги режалари локомотив депоси навбатчиси ва бекат навбатчисининг телефон орқали бераётган маълумотига асосан режалаштирилади. Аммо маълумотлар хато берилгач поездлар ҳаракати графигидаги режалар бузилишига олиб боради. Ўз-ўзидан бекат навбатчиси ва локомотив депоси навбатчиси орасида тортишув келиб чиқади. Ким ҳақ? Бу ҳолат ўрганиб чиқилгунча анча вақт ўтади. Яна бир тарафи диспетчерлар, МТУ навбатчиси, бекат навбатчиси (ДСП), депо навбатчиси (ТЧД) орасида ўзаро тушунмовчилик бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам бор. Бу орада локомотив туриб қолиши ва қимматли вақт йўқотилиши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон локомотив депоси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Бугунги кунда у “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг юридик ва асосий бешта ўхшаш корхоналаридан бири ҳисобланади. (NUZ.UZ ‘The locomotive depot "O`zbekiston" for the first time opened its doors to journalists and spoke about the work on the introduction of new technologies.’).

Локомотив машинисти (локомотив бригадаси) эксплуатацион депода навбатчи оператордан локомотив депосидан бошқариш постига чиқиш учун рухсат олгандан сўнг, локомотивни эксплуатация депосининг йўлини чекловчи манёвр сигналига ўтказади. Бошқарув пунктида тўхтаганидан сўнг, локомотив ҳайдовчиси(локомотив бригадаси) бекат навбатчисига локомотивнинг серияси ва рақамини, ташриф буюрган вақтини, ҳайдовчининг фамилиясини ва хизмат рақамини, локомотив бригадасининг депосини кўрсатиб, бекатни тарк этишга

тайёрлиги тўғрисида хабар беради. Сигнал очилганда ва бекат навбатчисидан бект йўлларига борадиган йўл ҳақида буйруқ олганда, ҳайдовчи(локомотив бригада) буйруқни такрорлайди ва бекат навбатчисидан “тўғри, кузатиб боринг” деган сўзлар билан тасдиқланганидан сўнг, эксплуатация омборининг йўлларини тарк этади.

(Vlasov V.V., Armyanin V.A. , Zaycev G.S. (2016)).

## МУҲОКАМА

Темир йўл тизимида юқорида такидлаб ўтилганидек, бекатлар ва локомотив деполари орасида локомотивларнинг депога кириш ва деподан чиқиш учун назорат постлари бор. Кўпинча бекат навбатчиси ёки локомотив депо навбатчиси орқали диспетчерга бераётган маълумот орқали локомотив бекатга чиққани ёки бекатга деподан чиқмагани маълум бўлади. Агар локомотив деподан вақтида чиқмаса, диспетчернинг поездлар Ҳаракат графиги режалари бузилади. Поездлар жўнатилиши ҳам кечикади. Бу сунъий равишда келаётган поездлар ҳисобига бекатда қўшимча вагонлар йигилиши бошланади. Шу жараён тортишувга сабаб бўлгач, диспетчерлар нима учун локомотивни ўз вақтида чиқмаганлигини билишга ошиқишади. Бекат навбатчиси локомотив деподан локомотив чиқмаган дейди, локомотив депо навбатчиси локомотив вақтида назорат постига чиқганини, аммо бекат навбатчиси светофорда рухсат белгисини ёқиб олмаганини такидлайди. Ўзаро тортишувлар ва тушунмовчиликлар пайдо бўлади. Локомотив машинистларининг қўл телефонига қўнғироқ қилиб суриштирса ҳам бўлади, лекин бир хил пайт қўл телефони тармокда мавжуд эмас бўлиб чиқади. Локомотив деподан манёвр светофорининг рухсат белгисиз бекатга чиқмагунча, бекат ва локомотив депо чегараси орасида йўл бандлиги кўринмайди. Бу ҳолатда локомотив чиқиш назорати сусаяди ва то бекатга чиқмагунча ёки қўл телефонининг тармоқ хизмати олмагунча номаълум бўлиб қолади. Мени бераётган таклифим бекат ва локомотив деполари орасидаги назорат постини кузатадиган видео кузатув камералари (3-расм) билан жихозлашдир. Бу видео кузатув камералари «ЎТЙ» АЖ компанияси таркибидаги 8 та асосий депо ва 7 айланма деполар бириктирилган бекатлар оралиқ йўл назорат постларига қўйилади. Сўнг локомотив депо навбатчиси хонасига (4-расм) ва ягона диспетчерлик маркази тортиш диспетчери хонасига қўйилади.




**1-расм. Видео кузатув қурилмаси.**



**2-расм. Кузатув монитори.**

**НАТИЖАЛАР**

Видео кузатув камераси тўғридан-тўғри локомотив депо навбатчиси ва ЯДМдаги тортиш диспетчери хонасига уланади. Ҳар битта локомотив депо назорат постидаги видеокамералар ўша депо навбатчиси хонасига уланиши зарур. Локомотив деполардаги барча кузатув мониторлари тортиш диспетчери хонасига (5-расм) уланади. Шу билан бир қаторда локомотив деполарнинг назорат постларида тортиш диспетчерлари учун ягона кузатув тизими шаклланади. Бу тизим орқали локомотивларни депога кириш ва чиқиш вақтларини телефон алоқасиз кузатиб бориш, бекатлар ва локомотив депоси орасидаги тушунмовчиликларни олдини олиш, бекатлардан поездлар жўнатиш вақтини назорат қилиш имкониятини беради.



**3-расм.Кузатув мониторининг кўриниши.**

**ХУЛОСА**

Бу кузатув тизимни яратиш нафақат локомотивларни кузатиш, балки бекат навбатчиларини иш жараёндаги локомотивнинг деподан чиққанлиги ҳақида бераётган маълумотини кузатиш ва назорат қилиш, депо навбатчиларининг ўз вақтида локомотивни чиққани ҳақида тўғри маълумотлар беришини кузатиш ва назорат қилиш имконини беради.

Бир гап бор «100 марта эшитгандан, бир марта кўриш афзал». Демак ташкил қилинадиган кузатув тизими шу мақолга қисман асосланган деб қараш ҳам мумкин. Бу тизимни йўлга қўйиш рақамлаштириш иқтисодиётига темир йўл тизимида яна бир қадам қўйишлардан бўлиб хизмат қилади.

**REFERENCES**

1. NUZ.UZ ‘The locomotive depot "O`zbekiston" for the first time opened its doors to journalists and spoke about the work on the introduction of new technologies.’, p. 2. Available at: https://nuz.uz/fotoreportazh/47378-uzbekiston-temir-yullari-vpervye-rasskazalo-o-deyatelnosti-lokomotivnogo-depo-ozbekiston.html
2. Vlasov V.V., Armyanin V.A. , Zaycev G.S. (2016) Briefing ‘The procedure for admitting locomotives to the depot, from the depot, their routes to the PTOL and to the control post’, p.30 Available at:https://cyberpedia.su/7x9318.html
3. Mitrofanov V.S. (2016) Briefing ‘PROCEDURE OF ENTRY (EXIT) LOCOMOTIVES IN (FROM) DEPOT.’, p.24 Available at: https://studopedya.ru/2-80526.html.